



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3281-1
2021 - yil 25 - mart

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVI
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 29 августдаги 18/5-сон қарори (рўйхат рақами 3281, 2020 йил 31 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.08.2020 й., 10/20/3281/1242-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси



Тошкент ш.
2021 йил 25 февраль,
3/4 сон

Нурмуратов М. Б.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2021 йил 25 февралдаги
3/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 27-бандда:

биринчи хатбошидаги “икки” деган сўз “кейинги” деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгиланган вақтда ҳисоб-китоблар яқунланмаган бўлса, келишув бекор қилинган ҳисобланади.”.

2. 29-банднинг учинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Чет эл валютасининг қайта сотилиши сотув кундаги талаб ва таклиф асосида шаклландиган бозор курсида акцептсиз равишда амалга оширилади.”.

3. 47-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“47. Тижорат банклари томонидан нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни хабардор қилиш тартибида амалга оширилади.

Нақд валюта маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлиги тўғрисидаги хабарномалар тижорат банклари томонидан уч кун муддат давомида Марказий банкка тақдим этилиши лозим.”.

4. Куйидаги мазмундаги 47¹-банд билан тўлдирилсин:

“47¹. Тижорат банклари томонидан нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш Марказий банкнинг рухсати асосида амалга оширилади.”.

5. 48-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“48. Марказий банкнинг рухсатини олиш учун тижорат банклари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга мўлжалланган валютанинг тури, унинг суммаси, валюта маблағлари қайси давлатга олиб чиқилиши, хорижий банкнинг номи, нақд валюта маблағларини олиб чиқиш мақсадлари кўрсатилган аризани Марказий банкка тақдим этади.”.

6. 49-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“49. Тижорат банкларининг нақд валюта маблағларини олиб чиқиш учун мурожаати Марказий банк томонидан уч банк иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича тижорат банкларига нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсат берилади.

Тижорат банкларига нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсат беришни рад қилиш фақат тижорат банкларининг мурожаати мазкур Қоидаларнинг 48-

бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда амалга оширилади.”.